WITH THE SUPPORT OF

AFD
GENCE FRANÇAISE
E DÉVELOPPEMENT

YEVROPA ITTIFOQI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

UNDP

2026
ЛОЙИҲА

ФУҚАРОЛАР УЧУН
БЮДЖЕТ

Фуқаролар учун **бюджет**

2026 ЛОЙИҲА

Тошкент – 2025

“Фуқаролар учун бюджет: 2026 лойиҳа” ахборот нашри БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланди.

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва хулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТ га аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

БМТТД камбағаллик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши сабабли пайдо бўлган адолатсизликка қарши курашда БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170 та мамлакатдаги кенг экспертлар ва ҳамкорлар тармоғи билан фаолият олиб бориб, биз одамлар ва сайёра учун мувофиқлаштирилган, узоқ муддатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни undp.org/uzbekistan сайтидан олинг ёки @UNDPUzbekistan ни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг.

© БМТТД, 2025 (undp.org/uzbekistan)

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

1 | 2026 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ ВА 2027–2028 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР 5

2 | ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ 8

ДАРОМАДЛАР 8

ХАРАЖАТЛАР 16

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ 60

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР 61

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасига бағишланган навбатдаги “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрини тақдим этади. Нашрда 2026 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилган.

Жаҳон иқтисодиётидаги кескин ўзгаришлар ва ноаниқликлар шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келмоқда. 2024 йилда мамлакат иқтисодиёти 6,5 фоизга ўсиб, 115 млрд АҚШ долларига етди. 2025 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 7 фоиз атрофида ўсиши прогноз қилинган бўлиб, қарийб 136 млрд АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Давлат раҳбари томонидан иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни жадал давом эттириш орқали 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6,5-7 фоиз атрофида таъминлаш ҳамда унинг ҳажмини 200 млрд АҚШ долларидан ошириш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажариш учун иқтисодий ўсиш суръатини 2026 йилда 6,6 фоизга, 2027-2028 йилларда мос равишда 6,8-6,9 фоизга етказиш мақсад қилиб олинди.

Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари бўйича батафсил маълумотлар мазкур нашрнинг I бўлимида келтирилган.

Нашрнинг асосий бўлими 2026 йилги Давлат бюджети даромадлари, харажатлари ва тақчиллигининг прогнозига бағишланган. Давлат бюджети даромадлари 368,9 трлн сўм миқдорида прогноз қилинмоқда. Кейинги йилда бюджетга солиқ ва солиқ бўлмаган тушумларнинг жорий йилга нисбатан 6,9 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда. Ушбу бўлимда бюджет даромадлари манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллар кесимида батафсил маълумотлар келтирилган.

2026 йилги Давлат бюджети харажатлари жорий йилга нисбатан 3,5 фоизга ошиб, 402,4 трлн сўм миқдорида режалаштирилган бўлиб, унинг 54,7 фоизи ижтимоий харажатларни молиялаштиришга йуналтирилади.

Мазкур нашрда бюджет маблағлари сарфланишининг асосий йуналишларига қўшимча равишда вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурлари учун ажратилаётган маблағлар ҳамда харажатларнинг барқарор ривожланиш миллий мақсадларни амалга оширишдаги ҳиссаси ва атроф-муҳитга таъсири бўйича таҳлилий маълумотлар тақдим этилмоқда.

Иқтисодий ўсиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет тақчиллигининг ошишини олдини олиш солиқ ва бюджет сиёсатининг ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда. 2026 йилда бюджет тақчиллиги 59,9 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 3 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрини эълон қилишни давом эттириб, барча манфаатдор фойдаланувчиларни Давлат бюджети, шунингдек бюджет соҳасида амалга оширилаётган ва режалаштирилган ислоҳотлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиб боради.

Ушбу ахборот нашрнинг электрон шаклини Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайти (gov.uz/imv) ҳамда “Очиқ бюджет” ахборот порталидан (openbudget.uz) топишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

1 2026 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ ВА 2027–2028 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар, иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви ва юқори инфляция шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарорлигича қолмоқда.

Бунда мамлакатимизнинг 2025 йилда кутилаётган иқтисодий ўсиш суръати 7 фоизга етиши ҳамда 2026-2028 йилларда 6,6-6,9 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ВА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ



ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, ФОИЗДА



ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ТАРМОҚ ТАРКИБИ, ФОИЗДА



АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЯИМ ҲАЖМИ, АҚШ ДОЛЛ



Иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2026 йилда саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсиши 6,4 фоиз, қурилиш соҳасининг ўсиши 10,2 фоиз, бозор хизматлари соҳасидаги ўсиш 14,5 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ўсиши 4,2 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

2024-2028 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН ФОИЗДА



Инфляция даражасини пасайтириш макроиқтисодий сиёсатнинг устувор мақсади бўлиб қолади. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрига кўра, глобал инфляция барқарор равишда пасайишда давом этади. Ўзбекистонда инфляция даражаси 2025 йил якунларига кўра 7,8-7,9 фоиз атрофида шаклланиб, 2026 йилда 7 фоизгача пасайиши прогноз қилинган. 2028 йилга келиб инфляция даражасини 5 фоизгача пасайтириш мақсад қилинган.

ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ, ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН ФОИЗДА



ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ САВДО ҲАМКОРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТИ ВА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ

Мамлакатлар	ЯИМ ўсиши, фоизда		Инфляция даражаси, фоизда	
	2025 кутилма	2026 прогноз	2025 кутилма	2026 прогноз
Россия	1,2	0,5-1,5	6,4	4,7
Хитой	5,0	5,0	0,7	0,7
Туркия	3,5	4,5	25-29,0	16
Қозоғистон	5,5-6,5	5,5-6,5	11-12,5	9,5-11,5

Манба: Халқаро валюта жамғармасининг 2025 йил октябрь ойидаги ҳисоботи

Товарлар ва хизматлар ташқи савдо айланмаси ўсишда давом этади. 2026 йилда прогноз 84 млрд АҚШ долларини ташкил этади ёки 2025 йилда кутилаётганидан 10 фоизга ортади.

2024-2028 ЙИЛЛАРДА ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ, МЛРД АҚШ ДОЛЛАРИ



Прогноз қилинаётган макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари прогнозлари шакллантирилди.

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ (КБ) ПРОГНОЗИ, МЛРД СЎМ



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ (ДБ ВА ДМЖ) ПРОГНОЗИ, МЛРД СЎМ



2 ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Даромадлар

Солиқ сиёсатида олиб борилаётган ислоҳотлар солиқ тизимини бизнес учун соддалаштиришга ва тенг рақобат муҳитини яратишга қаратилган.

2026 йил учун Давлат бюджети даромадлари лойиҳаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан ва солиқ-божхона сиёсатидаги кўзда тутилаётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

2026 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ПРОГНОЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АСОСАН ҚУЙИДАГИЛАР ИНОБАТГА ОЛИНГАН:	
	Инфляция даражаси 7 фоиз бўлган ҳолда ЯИМнинг 6,6 фоизга ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2026 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози
	Асосий солиқ ставкаларининг ўзгаришсиз сақлаб қолиниши
	Солиқ-божхона сиёсатида кўзда тутилаётган ўзгаришлар ҳамда солиқ-божхона маъмурчилигини яхшилаш бўйича тадбирлар
	Тадбиркорлар учун тенг шароит ва янада қулай бизнес муҳитини яратиш
	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўсиши ва иш ўринларини легаллаштириш тадбирлари

2026 йилда иқтисодий фаолликнинг ошиши ҳисобига Давлат бюджети даромадларининг ўсиши прогноз қилинмоқда.

2024-2026 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ДИНАМИКАСИ



2026 йил учун Давлат бюджети даромадлари **368 918 млрд сўм** ёки ЯИМнинг **18,7 фоизи** миқдорида прогноз қилинмоқда (2025 йилда ЯИМ нинг 20,1 фоизи).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ТУЗИЛМАСИ, МЛРД СЎМ



2026 ЙИЛ УЧУН СОЛИҚ-БОЖХОНА СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

1. Асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз сақлаб қолиш

- фойда солиғи **15 фоиз**
- ҚҚС **12 фоиз**
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи **12 фоиз**
- ижтимоий солиқ **12 фоиз** (бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз)
- айланмадан олинадиган солиқ **4 фоиз**
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан **0,95 фоиз**
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси **1,5 фоиз**

2. Соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш

2.1. Алкоголь маҳсулотлари ва этил спирти учун **акциз солиғи ставкалари бирхиллаштирилади:**

2026 йил 1 февралдан:

- ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари 1 литри: маҳаллий маҳсулотлар – 48 минг сўм, импорт – 60 минг сўм;
- табиий винонинг 1 литри: маҳаллий маҳсулотлар – 7 минг сўм, импорт – 12 минг сўм;
- бошқа винонинг 1 литри: маҳаллий маҳсулотлар – 9 минг сўм, импорт – 15 минг сўм;
- пивонинг 1 литри: маҳаллий маҳсулотлар – 3 минг сўм, импорт – 5 минг сўм.

2026 йил 1 июлдан маҳаллий ва импорт маҳсулотларга ставкалар **тенглаштирилади**:

- ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари 1 литри – **48 минг сўм**;
- табиий винонинг 1 литри – **10 минг сўм**;
- бошқа турдаги винонинг 1 литри – **12 минг сўм**;
- пивонинг 1 литри – **4 минг сўм**.

2026 йил 1 январдан бошлаб 1 литр истеъмол ва техник этил спирти учун 15 минг сўм акциз солиғи ставкасини сақлаб қолган ҳолда, этил спиртининг бош фракциясига акциз солиғини 1 литр учун амалдаги **15 минг** сўмдан **5 минг** сўмгача **пасайтирилади.**

2.2. Тамаки маҳсулотлари бўйича

2026 йил 1 февралдан сигара, чилим учун тамаки, ўрама тамаки, қиздириладиган тамаки таёқчаси ва вейплар учун солиқ ставкалари **7 фоизга оширилади** (*сигаранинг бир донаси учун **21,5 минг** сўм, чилим учун тамаки, чекиладиган ўрама тамакининг 1 кг учун **642 минг** сўм, қиздириладиган тамаки таёқчасининг 1кг учун **481,5 минг** сўм, вейпларнинг 1 мл учун **2,14 минг** сўм*).

2026 йил 1 июлдан фильтрли ва фильтрсиз сигаретларга солиқ ставкалари **7 фоизга** оширилади *(минг донаси учун **365 минг** сўм)*

2.3. Таркибида шакар ёки ширинлаштирувчи модда мавжуд бўлган ҳамда энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар бўйича

2026 йил 1 апрелдан таркибидаги шакарнинг миқдорига қараб прогрессив тартибда солиққа тортилади:
таркибида шакар бўлган 100 мл ичимликлардаги шакар миқдори:

- 5 граммгача бўлганда 1 литри учун **500 сўм** (амалдаги ставка);
- 5 граммдан 10 граммгача бўлганда 1 литри учун **515 сўм**;
- 10 граммдан юқори бўлганда 1 литри учун **535 сўм**;
- таркибида шакардан бошқа ширинлаштирувчи моддалар бўлган ичимликларга 1 литри учун **500 сўм**;
- энергетик ичимликлар учун акциз солиғи ставкаси 1 литр учун **2 150 сўм**.

Бунда, **умумий овқатланиш соҳасидаги** корхоналар ҳамда **якка тартибдаги тадбиркорлар** томонидан **тайёрланиб истеъмолчиларга реализация қилинган** ичимликларнинг **акциз солиғига тортилмаслиги** бўйича аниқлаштирувчи қоидалар киритилмоқда.

	2026 йил 1 апрелдан нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва якуний истеъмолчиларга сотишда белгиланган акциз солиғи ставкаси **7 фоизга** оширилади (***полиэтилен гранулалари*** *(10%) ва* ***табиий газ*** *(12%) учун амалдаги солиқ ставкаси қўлланилади*). **2026 йил 1 апрелдан** бошлаб истеъмолга тайёр 1 кг **картошка чипслари** учун **15 минг сўм** миқдорда акциз солиғи **жорий этилади**. Ер, мол-мулк, сув ресурсларидан ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳамда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун солиқ солиш мақсадида қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари **7 фоизга индексация** қилинади.
3. Тадбиркорлар учун тенг шароит ва қулай бизнес муҳитини яратиш	Йиллик айланмаси бир миллиард сўмгача бўлган ЯТТлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорда белгиланмоқда. Бунда қуйидагилар **бекор қилинади**: • ЯТТлар учун қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш; • солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан даромади юз миллион сўмдан ошмаган ўзини ўзи банд қилган шахсларни айланмадан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилиш. Айланмадан олинадиган солиқдан илк марта ҚҚС ва фойда солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун: • бир йил давомида фойда солиғини тўлашдан озод қилиш; • **6 ой** давомида бухгалтерия хизматлари харажатларининг ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,5 бараваридан ошмаган қисмини тўлаётган солиқ тўловлари ҳисобидан **чегириб ташланади**. Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлик субъектлари даромадининг **чегаравий миқдори 10 млрд** сўмдан **20 млрд** сўмгача **оширилади**. Товарларнинг *(ишларнинг, хизматларнинг)* электрон савдосини амалга оширувчилар учун фойда солиғи **15 фоиз** *(амалда 10 фоиз)* ва айланмадан олинадиган солиқ **4 фоиз** *(амалда 3 фоиз)* ставкада белгиланмоқда. **Қишлоқ хўжалиги товарларини** ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси учун 2026 йил 1 январдан бошлаб **ҚҚС нинг "ноль" ставкаси** жорий этилмоқда. Ўз эҳтиёжи учун **гипс хомашёсини** қазиб чиқариб, ундан тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга гипс олиш учун **ер қаъридан фойдаланганлик учун** солиқ ставкаси **50 фоиз** миқдорида қўлланилиши белгиланмоқда. Иссиқхона фаолиятидан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг **камида 60 фоизини** ташкил этган тақдирда *(2029 йил 1 январга қадар)* ижтимоий солиқни **1 фоиз** миқдорида тўлаши белгиланмоқда. Иссиқхона хўжаликлари эгаллаган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга белгиланган ставкаларда тўланиши.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифалари доирасида	Ҳисобот даврида бир нечта солиқ турлари бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаган ҳолатда, барча тақдим этилмаган ҳисоботлар бўйича умумий битта жарима қўллаш; Тадбиркорларга сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича ҳисобланган молиявий санкцияларни 6 ой ичида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқини бериш; Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ, айланмадан олинадиган солиқ ҳамда ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботлари солиқ органлари томонидан шакллантириш;

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ: АСОСИЙ МАНБАЛАР КЕСИМИДА

I. Бевосита солиқ тушумлари

2026 йилда бевосита солиқ тушумлари 116 305 млрд сўм (Давлат бюджетининг жами даромадларидаги улуши 31,5 фоиз), жумладан фойда солиғи – 64 513 млрд сўм (17,5 фоиз), айланмадан олинадиган солиқ – 2 827 млрд сўм (0,8 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 48 965 млрд сўм (13,3 фоиз).

Бевосита солиқ тушумларини прогноз қилишда иқтисодий ўсиш суръатлари, янги ишлаб чиқариш қувватларининг жорий этилиши ва иш ҳақининг ўсиши ҳисобга олинди.

Фойда солиғи бўйича тушумлар 64 513 млрд сўм бўлиши прогноз қилинмоқда. Олтин қазиб чиқарувчи корхоналардан ташқари тўловчилар бўйича прогноз кўрсаткичлари 31 462 млрд сўм (ўсиш суръати 13,5 фоиз) ҳисоб-китоб қилинган.

Мазкур солиқ тури прогнозини ҳисоб-китоб қилишда айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар ҚҚС тўловчисига айланганда 1 йил давомида фойда солиғидан озод этилиши ва бўнак тўловларини тўлаш тартибини қўллашнинг чегаравий миқдорларининг оширилиши кўзда тутилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари 48 965 млрд сўм миқдорида (+7 577 млрд сўм) прогнозлаштирилмоқда.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг ўсиши, легализация қилиш тадбирлари ҳисобига қўшимча 2,3 трлн сўм даромад ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган даромад солиғининг бекор қилиниши кўзда тутилмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқ тушумлари 2 827 млрд сўм миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқни прогноз қилишда қатъий белгиланган ставкаларининг бекор қилиниши ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун 1 фоизлик ставка белгиланиши (1,2 трлн сўм) бўйича даромадларнинг йўқотилиши ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг 1 фоиз миқдорида айланма солиққа тортилиши ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш орқали қўшимча манбаларни жалб қилиниши (0,2 трлн сўм) инобатга олинган.

II. Билвосита солиқ тушумлари.

2026 йилда билвосита солиқлардан тушумлар 124 601 млрд сўмни ёки жами Давлат бюджети даромадларининг 33,8 фоизи ва ЯИМнинг 6,3 фоизини (2025 йилда 106 929 млрд сўм ёки ЯИМнинг 6,2 фоизи) миқдорида прогноз қилинмоқда.

Билвосита солиқлар бўйича асосий тушумлар улуши қўшилган қиймат солиғига тўғри келиб, 88 859 млрд сўм миқдорида (билвосита даромадлардаги улуши – 71,3 фоиз) ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 14 698 млрд сўмга (+19,8 фоиз) кўп даромад тушиши прогноз қилинмоқда.

Мазкур солиқ бўйича прогнозни ҳисоб-китоб қилишда иқтисодий ўсиш натижасида корхоналар фаоллигининг ошиши, солиқ маъмурчилигини яхшилаш ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш, ҚҚС тўловига ўтадиган корхоналарнинг ортиши, янги айланма солиғидан ҚҚСга ўтган корхона хисобчиларининг ойлик иш ҳақини ҚҚС дан чегириш, импорт ҳажмининг ошиши бўйича қўшимча даромадлар ҳамда айланмадан олинадиган солиқдан илк марта ҚҚСга ўтганлар учун енгилликлар тақдим этиш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси учун ҚҚС нинг “ноль” ставкасини жорий этиш бўйича йўқотишлар инобатга олинган.

АКЦИЗ СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИ 2026 ЙИЛ СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ АСОСИДА ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

III. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадлар 45 777 млрд сўм ёки жами Давлат бюджети даромадларининг 12,4 фоизини ташкил этиб, ушбу даромадларнинг 54 фоизи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келади.

2026 йилда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари 24 689 млрд сўмни ташкил этади.

Мол-мулк солиғидан	Ер солиғидан	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан
8 999 млрд сўм	10 936 млрд сўм	24 689 млрд сўм	1 153 млрд сўм

Ресурс солиқларини прогноз қилишда ер, мол-мулк, сув ресурслари ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик учун белгиланган қатъий солиқ ставкаларини ўртача 7 фоизга индексация қилиш инобатга олинган.

Бошқа солиқсиз тушумлар 82 235 млрд сўм ёки 2025 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 685 млрд сўмга (0,8 фоиз) кўп бўлиши кутилмоқда.

2026 йилда бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар Давлат бюджети даромадлари прогнозининг 22,3 фоизини ташкил этади. Бу даромадлар, асосан, давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар, давлат улушига ҳисобланган дивидендлар, давлат божи, йиғимлар, жарималар каби тўловлардан шаклланади.

Давлат улушлари бўйича дивидендлар 47 099 млрд сўм ҳамда бюджет ссудаси ва депозитлар бўйича фоизли тушумлар 6 170 млрд сўм миқдорида прогноз қилинган.

ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТУШУМЛАРИДАГИ УЛУШИ, 2026 ЙИЛ ПРОГНОЗИ



Харажатлар

Давлат бюджетининг 2026 йил учун харажатлари **402,4 трлн** сўм ёки ЯИМнинг 20,4 фоизи (2025 йилда 388,9 трлн сўм ёки ЯИМнинг 22,6 фоизи бўлиши кутилмоқда) этиб прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида тармоқ ривожланиш дастурларини амалга оширишга сарфланадиган харажатларни ошириш режалаштирилмоқда.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2024-2026 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗ

ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ, ТРЛН СЎМ



СОҲА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЯИМДАГИ УЛУШИ, ФОИЗДА

Келгуси йилда ижтимоий харажатларга **220 трлн сўм** йўналтирилади, бу ўз навбатида жами Давлат бюджети харажатларининг қарийб 54,7 фоизини ташкил этади.

ИЖТИМОИЙ СОҲА ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, ТРЛН СЎМ



Аввалги йиллар каби ижтимоий харажатларнинг аксарият қисмини таълим харажатлари (45,6%) ташкил этмоқда. 2026 йилда таълимга **100,3 трлн** сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 2025 йилда кутилаётган харажатларга нисбатан 8,1 трлн сўмга кўпроқни ташкил этади.

ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, ТРЛН СЎМ

100,3 трлн сўм	Мактабгача таълим	**20**
	Умумий ўрта таълим	**63,7**
	Профессионал таълим	**16,7**
	Олий таълим	

Мактабгача таълим – 19 970 млрд сўм

2026 йил учун мактабгача таълим соҳаси харажатлари 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълим тизимига камров даражасини оширишни, боғчаларда соғлом овқатлантиришни таъминлаш ва мактабгача таълимни янада ривожлантириш бошқа муҳим тадбирларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сонининг ортиши ва ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг янада ривожланиши ҳисобига болаларни мактабгача таълим билан қамровини ошириш режалаштирилган.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, МЛРД СЎМ

Харажатлар номи	Миқдорда
Жами	**19 970**
Давлат дастурлари ва тадбирлари харажатлари	4 338
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	9 436
Озиқ-овқат харажатлари	3 401
Капитал харажатлар	900
Жорий таъмирлаш харажатлари	67
Коммунал тўловлари	558
Юмшоқ жиҳозлар учун харажатлар	187
Бошқа харажатлар	1 083

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлар	2025	2026
Жами мактабгача таълим ташкилотлари сони, шундан:	**38 390**	**38 942**
Давлат мактабгача таълим ташкилотлари, бирлик	6 941	7 008
ДХШ асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотлари, бирлик	1 551	1 694
Оилавий мактабгача таълим ташкилотлари, бирлик	29 028	29 318
Жами мактабгача таълим ташкилотлари қуввати (минг ўрин)	**2 621**	**2 704**
Жами тарбияланувчилар сони, минг нафар	**2 428**	**2 526**
Давлат мактабгача таълим ташкилотларида	1 455	1 528
ДХШ асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларида	153	156
Оилавий мактабгача таълим ташкилотларида	821	841
3-7 ёшдаги болаларнинг умумий сони, минг нафар	3 154	3 256
Болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови	77 %	78 %

Умумий ўрта таълим – 63 684 млрд сўм

Умумий ўрта таълим харажатлари Давлат бюджети харажатларининг 15,8 фоизини ташкил этади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, МЛРД СЎМ

Харажатлар номи	Миқдорда
Жами	**63 684**
Давлат дастурлари ва тадбирлари харажатлари	5 024
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	52 677
Капитал харажатлар	3 050
Жорий таъмирлаш харажатлари	225
Коммунал тўловлари	806
Умумтаълим муассасаларига озиқ-овқат учун харажатлар	338
Бошқа харажатлар	1 564

2026 ЙИЛ УЧУН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Умумтаълим муассасалари сони

10 639

Умумтаълим мактаблари сони	10 180
Айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари сони	90
Жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар сони	95
Меҳрибонлик уйлари (“SOS” болалар уйлари) сони	3
Президент таълим муассасалари сони	14
Ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар сони	217
Жами ўқувчилар сони, шундан: умумтаълим мактабларида	6 685 минг ўқувчи 6 621 минг ўқувчи
Ўқитувчилар сони	558 минг ўқитувчи

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ УЧУН ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ

Дастурлар	2025	2026
Жами давлат дастурлари ва тадбирлар	6 787	9 362
Умумтаълим мактабларида тўгаракларни ташкил этиш ва уларга “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар фарзандларини жалб қилиш учун маблағлар	100	100
Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун маблағлар	140	140
Биринчи синф ўқувчиларига уқув қуроллари сотиб олиш харажатлари	144	160
Умумий таълим мактаблари учун янги компьютер синфларини харид қилиш харажатлари	200	250
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг спорт жиҳозлари билан таминлаш учун харажатлар	62	75
Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағлари	120	120
Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғарма маблағлари	250	250
1500 хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш	210	700
Умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар	1 300	1 985
"Тоза қўллар" дастурини амалга ошириш харажатлари	311	221
"Йил ўқитувчиси" кўрик танлови ғолибларини тақдирлаш учун ажратилган маблағлар		137

Мактабдан ташқари таълим – 1 737,5 млрд сўм

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари сони	Таълим олаётган болалар сони	Давлат бюджети харажатлари
325	85 362	1 089 млрд сўм

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

“Баркамол авлод” болалар мактаблари сони	Таълим олаётган болалар сони	Давлат бюджети харажатлари
219	335 минг ўқувчи	648,6 млрд сўм

БОЛА ТАЪЛИМ ОЛИШИ УЧУН ОЙЛИК ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИ*

	Тошкент ш.	Вилоят марказлари	Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктлари
Мусика	75%	50%	30%
Санъат	50%	30%	20%

**Базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан ҳисобланади*

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими – 16 654 млрд сўм

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига академик лицейлар, коллежлар ва техникумлар киради.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР, 2025 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

Таълим муассасалари сони	Ўқувчилар сони	Ўқитувчилар сони
729	545,1 минг киши	34,2 минг киши

ЎРТА-МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	2025	2026
Академик лицейлар сони, бирлик	**73**	**73**
ўқувчилар сони, минг киши	29,9	29,9
ўқитувчилар сони, педставка, минг киши	3,0	3,0
Коллежлар сони, бирлик	**139**	**42**
ўқувчилар сони, минг киши	46,2	2,0
ўқитувчилар сони, педставка, минг киши	3,5	0,5
Техникумлар сони, бирлик	**601**	**601**
ўқувчилар сони, минг киши	511,4	511,4
ўқитувчилар сони, педставка, минг киши	26,8	30,6
Қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш марказлар сони, бирлик	**13**	**13**
ўқувчилар сони, минг киши	1,8	1,8
ўқитувчилар сони, педставка, минг киши	0,1	0,1

Давлат бюджети харажатлари
5 582,3
млрд сўм

Академик лицейлар	**550,3 млрд сўм**
Касб-ҳунар коллежлари	**675,3 млрд сўм**
Техникумлар	**4 310,4 млрд сўм**
Қурилиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш марказлари	**46,3 млрд сўм**

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

Олий таълим қамровини ва таълим сифатини ошириш мақсадига мувофиқ олий таълим учун 7,3 трлн сўм бюджет маблағлари ажратилиши режалаштирилмоқда.

	2025/2026 ўқув йили	2026/2027 ўқув йили (прогноз)
Олий таълим муассасалари сони	140	140
Ходимлар сони, минг киши	96,6	96,6
шундан профессор-ўқитувчилар (минг киши)	51,7	51,7
Талабалар сони	1 150 131	1 219 289

Ҳусусий ОТМларсиз

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Стипендиялар	Бошқа харажатлар
2 887 млрд сўм	2 170 млрд сўм	2 217 млрд сўм

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ

Дастур номи	2025	2026
Жами давлат дастурлари ва тадбирлар	**3 603**	**4 177**
Таълим кредити учун давлат бюджетидан тижорат банкларига мақсадли ресурслар ажратиш учун маблағлар	2 532	2 000
Олий таълим муассасасида магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш учун харажатлар	125	125
Давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар	300	100
Давлат хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойида яшайдиган талабалар учун давлат шеригига ажратиладиган субсидиялар ва талабаларни ойлик ижара тўлови харажатларини бир қисмини компенсация қилиш	230	259
“Эл-юрт умиди” жамғармасига бюджетдан трансферт	539	700

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН НЕЧТА ГРАНТ ЎРИНЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?

Кўрсаткичлар	Ўқув йили	
	2025/2026	2026/2027
Талабалар сони	**1 150 131**	**1 219 289**
давлат буюртмаси асосида	182 279	193 366
шартнома асосида	967 852	1 025 923
Грант квоталар сони	**60 325**	**60 713**
бакалавриат	35 600	35 600
магистратура	9 922	10 517
имтиёзли қабул асосида	14 803	14 596

Соғлиқни сақлаш соҳасига – 48 873 млрд сўм

Тиббиёт муассасалари – **4 023**

Штат бирликлари – **556** минг киши

Койка ўринлари сони– **119,7 минг ўрин**

Шифокорлар сони – **92,1 минг киш**

Кичик тиббиёт ходимлари – **100,1 минг киши**

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш

1. Илғор хорижий тажриба асосида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизими жорий этилмоқда.

Бунда, оилавий шифокор улуши 70 фоизга етказилади, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда тиббиётда қоғозбозликни камайтириш орқали тиббиёт ходимлари юкламаси 30 фоизгача камайтирилади, аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан розилиги 85 фоиздан оширилади.

2. Тиббий суғурта тизимини жорий этиш мақсадида давлат бюджетидан 35,6 трлн.сўм режалаштирилмоқда. 2026 йилдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси тизими республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этилади.

Маълумот учун: Ҳозирги кунда давлат тиббий суғуртаси механизмлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жорий этилган.

АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДА ҚУЙИДАГИЛАР НАЗАРДА ТУТИЛАДИ

- Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари негизида туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилади.
- Оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари, шу жумладан, уларга филиал сифатида бириктирилган муассасалар ҳамда маҳалла тиббиёт пунктлари бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, юридик мақомга эга оилавий поликлиникаларга ҳамда уларнинг филиалларига айлантирилади.
- Оилавий поликлиникаларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи оилавий шифокор, педиатр, акушер-гинеколог ва ташхислаш хизматларини кўрсатувчи мутахассислар хизмати йўлга қўйилади.
- Стоматология хизмати аутсорсинг асосида йўлга қўйилади.
- Ҳар бир тиббиёт бригадасига 3 минг нафар аҳоли бириктирилади. Бу кўрсаткич 2030 йилгача ҳар бир тиббиёт бригадасига кўпи билан 1,7 минг нафар аҳоли бириктирилиши стратегик мақсад қилиб олинган.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОНИ

Тиббиёт муассасалари турлари	2025 (кутилма)	2026 (прогноз)
Тиббиёт муассасалари – жами	**3 877**	**4 023**
кўп тармоқли поликлиникалар	209	209
оилавий поликлиникалар	1 083	1 083
қишлоқ врачлик пунктлари	1 185	1 185
шошилинч тиббий ёрдам хизматлари	210	211
умумий стационар муассасалари	282	250
шошилинч тиббий ёрдам марказлари ва бўлимлари	130	130
ихтисослаштирилган стационар муассасалар	217	217
бошқа муассасалар	605	738

Соғлиқни сақлаш бюджетида юқори улушни иш ҳақи харажатлари, жумладан унга ажратмалар ташкил этади. 2026 йилда ушбу мақсадлар учун **32 763,6 млрд** сўмни ажратиш режалаштирилган

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, МЛРД СЎМ

Харажатлар	2026 (прогноз)
Жами	**48 873**
иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	32 764
давлат дастурлари ва марказлашган тадбирлар учун кўзда тутилган маблағлар	4 847
дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар*	2 288
озиқ-овқат харажатлари	1 131
капитал харажатлар	1 750
жорий таъмирлаш харажатлари	121
Коммунал тўловлари	717
юмшоқ инвентарьлар билан таъминлаш	413
бошқа харажатлар	4 842

** соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат дастурларида дори-дармон харажатларидан ташқари*

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ УЧУН ХАРАЖАТЛАР

№	Тиббиёт муассасалари		Миқдори, сўмда
1	Оилавий шифокорлик пунктлари	киши бошига кунига	21 961
2	Оилавий поликлиникалар	киши бошига кунига	21 961
3	Кўп тармоқли поликлиникалар	киши бошига кунига	21 961
4	Шошилинч тиббий ёрдам хизматлари	бир чақирувга	12 908
5	Ҳудудий касалхоналар	койка-кунга*	24 448
6	Ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари	койка-кунга	41 337
7	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари	койка-кунга	80 995
8	Силга қарши диспансерлар ва касалхоналар	койка-кунга	32 381
9	Онкологик диспансерлар	койка-кунга	77 769
10	Эндокринологик касалхоналар (диспансерлар)	койка-кунга	38 723
11	Юқумли касалликлар шифохоналари	койка-кунга	30 458
12	Ҳудудий перинатал марказлар, акушерлик мажмуалари, туғруқ мажмуалари	койка-кунга	41 256

**Бир киши томонидан бир сутка давомида эгаллаб туриладиган ётоқ ўрнига тенг шартли бирлик.*

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИГА АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР

245 млрд сўм
Болаларни вакцинация қилиш

40 млрд сўм
Оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар (“К” витамини, сурфактант ва бошқалар) билан таъминлаш

350 млрд сўм
Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш харажатлари

266 млрд сўм
Нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар

130 млрд сўм
Эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларни молиялаштириш учун харажатлар

45 млрд сўм
фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантириш учун харажатлар

50 млрд сўм
одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тадбирлари харажатлари

30 млрд сўм
Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари

43 млрд сўм
Болаларни ҳамда туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш харажатлари

250 млрд сўм
Онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш учун харажатлар

60 млрд сўм
нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўткази

150 млрд сўм
Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари учун харажатлар



130 млрд сўм
буйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш учун харажатлар

25 млрд сўм
Аллергик ва иккиламчи иммунитет танқислиги касалликларига чалинган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган беморларга ингаляцион глюкокортикостероид дори воситаларини бепул тарқатиш харажатлари

10 млрд сўм
болалар тиббиёт ва туғруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлари учун харажатлар

20 млрд сўм
Окклюдер харид қилиш учун харажатлар

35 млрд сўм
аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш харажатлари

170 млрд сўм
Аёллар орасида онкологик кассаликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш дастури харажатлари

50 млрд сўм
тиббиёт муассаларини тиббий асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар ҳамда локал тармоқ билан таъминлаш харажатлари.

145 млрд сўм
Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун харажатлар

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲАР БИР БЕМОРГА КУНЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ УЧУН ХАРАЖАТЛАР

№	Тиббиёт муассасалари		Миқдори, сўмда
1	Ҳудудий касалхоналар	койка-кунга	21 211
2	Ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари	койка-кунга	24 096
3	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари	койка-кунга	35 635
4	Силга қарши диспансерлар ва касалхоналар	койка-кунга	42 422
5	Онкологик диспансерлар	койка-кунга	42 422
6	Эндокринологик касалхоналар (диспансерлар)	койка-кунга	37 332
7	Юқумли касалликлар шифохоналари	койка-кунга	35 635
8	Ҳудудий перинатал марказлар, акушерлик мажмуалари, туғруқ мажмуалари	койка-кунга	24 096

Маданият харажатлари – 4 398 млрд сўм

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ СОНИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

Муассаса турлари	Сони	Харажатлар, млрд сўм
Маданият муассасалари – жами	**1 794**	**4 398**
Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари	15	72,7
Кўзи ожизлар учун кутубхоналар ва филиаллар	86	45
Музейлар ва кўргазмалар	53	187,6
Маданият саройлари ва уйлари	844	365,8
Театрлар, филармониялар, мақом санъат муассасалари, цирк	72	767,2
Ахборот-ресурс марказлари	205	222,3
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари	19	816,9
Маданият соҳасидаги бошқа ташкилотлар	500	1 920,5

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ

№	Дастурлар	2025	2026
1	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига маблағлар	190	200
2	Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар	125	125
3	“Заковат” интеллектуал клуби харажатлари	50	50
5	Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига	50	50
6	Миллий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларга субсидиялар	12	12
7	"Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш харажатлари	10	10
8	Давлат музейларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун	7	7

Жисмоний тарбия ва спорт харажатлари – 3 716 млрд сўм

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари **457**		
Спорт гуруҳлари **37,8 минг**	Тарбияланувчилар сони **514,8 минг киши**	Муассасаларни сақлаш харажатлари **3,6 трлн сўм**
Штат бирликлари **28,7 минг**	Мураббийлар сони **16,5 минг киши**	

СПОРТ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОНИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ

Ташкилотлар	Сони
Ташкилотлар – жами	**457**
шу жумладан:	
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	254
Футбол академиялари	15
Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	56
Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	14
Чавандозлар мактаблари	14
Олий спорт маҳорати мактаблари	18
Олимпия захиралари ихтисослаштирилган спорт мактаблари	7
Ўзбекистон “Ёшлик” кўнгилли спорт жамияти	15
Спорт турлари бўйича маҳорат мактаблари	15
Бошқа ташкилотлар	49

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ

Дастур номи	2025	2026
Олимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш учун харажатлар	190	210
Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш учун харажатлар	50	60
Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган тадбирлар учун харажатлар	250	210
Халқаро Кураш ассоциацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун харажатлар	10	13
Беш ташаббус олимпиадаси доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш учун харажатлар	30	45
Спорт мактаблари тиббиёт хоналарини замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тикланиш воситалари билан жиҳозлаш, замонавий ўқув адабиётини чоп этиш ва харид қилиш, спорт мактаблари шуғулланувчиларини (терма жамоаларини) махсус спорт кийимлари (экипировкалар) билан таъминлаш учун харажатлар	20	27
Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш	25	25
Юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатлар	84	85

Фан соҳаси харажатлари – 2 426 млрд сўм

• Олий ўқув юртидан кейинги таълим харажатлари (докторантура)	1 394
• Инновацион ривожланиш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар	650
• Капитал харажатлар	40

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш

Аҳоли даромадларини ошириш

- Фуқароларнинг реал даромадлари ўсишини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорлари йиллик инфляция даражасидан юқори миқдорларда ошириб борилади.

Ижтимоий ҳимоя

- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Камбағал оилалар реестри” бирлаштирилади. Бунда Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оилалар учун белгиланган ижтимоий хизматлар, ёрдамлар ва имтиёзлар Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга ҳам татбиқ этилади.

Аҳолининг муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш

- “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар фарзандларини қабул қилган оилавий нодавлат МТТга ушбу болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг 40 фоизи бюджетдан қоплаб берилади.
- Умумтаълим мактабларида “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар фарзандлари учун мактабдан ташқари таълим ва спорт тўгараклари ташкил этиш учун маблағлар ажратилиб борилади.
- Ҳудудларда аҳоли турмуш шарт-шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш мақсадида кейинги йилларда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилади.

Уй-жой дастури

- Ипотека кредити асосида сотиб олинадиган уй-жойлар учун субсидиялар ажратилиши давом эттирилади.
- Ипотека дастурини молиялаштириш учун тижорат банкларига ресурслар ажратилади.

Бюджет ташкилотлари ва хусусий сектордаги аёлларни рағбатлантириш

- Хусусий секторда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тайинланиши ва тўлаб берилишининг амалдаги тартиби такомиллаштирилиб, уларга тўланадиган "декрет" пуллари миқдори ва қамров даражаси оширилади.
Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
27.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)**	**24,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	24,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**	**3 008,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 897,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	110,4
29.	**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**	**1 990,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 966,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	23,9
30.	**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди**	**13,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	13,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши**	**58,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	58,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**	**32,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	32,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси**	**887,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	811,6
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	20,0
	“O‘zbekiston 24” ва “Mahalla” телерадиоканалларини республика ҳудудида эфирга узатишни тўлиқ HD форматга ўтказиш харажатлари	20,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	76,0
34.	**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги**	**44,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	44,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
35.	**Республика Маънавият ва маърифат маркази**	**78,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	78,3
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	50,0
	Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига бюджетдан ажратиладиган маблағлар	50,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази**	**17,5**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17,5
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши**	**400,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	400,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38.	**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**	**534,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	498,3
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	50,0
	Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	50,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	36,1
39.	**Ўзбекистон Бадиий академияси**	**249,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	193,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	56,0
40.	**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**	**35,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	35,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
41.	**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси**	**137,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	137,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
42.	**Бошқарув самарадорлиги агентлиги**	**93,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	93,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
43.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги**	**27,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
44.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)**	**3,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
45.	**“Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси**	**0,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	0,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
46.	**Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази**	**11,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
47.	**Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги**	**9,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
48.	**Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси**	**172,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	172,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
49.	**Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги**	**251,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	196,2
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	131,7
	маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар	125,0
	давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар	6,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	55,1
50.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги**	**22 423,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	20 823,1
	шундан:	
	кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш учун ажратилган маблағлар	5 216,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақасини тўлаш учун ажратилган маблағлар	2 171,7
	меҳнатга лаёқатсиз ва зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналарга нафақаларни тўлаш учун ажратилган маблағлар	6 510,7
	бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа(суюнчи пули)ни тўлаш учун ажратилган маблағлар	229,8
	дафн маросими харажатларини қоплаш учун ажратилган маблағлар	298,8
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга уй-жойида артезиан қудуқ қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик сув фильтрларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия	44,0
	муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш харажатлари	226,0
	Эҳтиёжманд оилаларга табиий газ ва электр энергияси истеъмолининг базавий меъёрдан ошган қисми учун компенсация тўлови харажатлари	102,0
	етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун харажатлар	140,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	100,0
	Ижтимоий суғурта жамғармасига трансфертлар	1 500,0
51.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**	**1 441,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 441,6
	шундан:	
	маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун маблағлар	1 017,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
52.	**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги**	**507,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	507,7
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	403,7
	Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни кенгайтириш ва ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидиялар учун маблағлар	290,0
	2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш учун харажатлар	50,0
	Жаҳонда машҳур бўлган китобларни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш харажатлари	13,7
	“Заковат” интеллектуал клуби харажатлари	50,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
53.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги**	**166,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	166,7
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	120,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш учун харажатлар	120,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
54.	**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси**	**64,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	64,3
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	29,2
	Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш	29,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
55.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси**	**57,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	57,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
56.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги**	**46,4**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	46,4
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
57.	**Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги**	**3,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
58.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси**	**28,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	28,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
59.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси**	**8,7**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
60.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги**	**50,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Миграция жамғармасига трансфертлар	50,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
61.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси**	**10,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
62.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги**	**709,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	709,9
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	700,0
	Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш	275,0
	шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:	
	Энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаларини амалга ошириш учун маблағлар	425,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
63.	**Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги**	**7,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
64.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Енгил саноатни ривожлантириш агенлтиги**	**47,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	47,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	30,0
	Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш	30,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
65.	**Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси**	**16,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
66.	**Бошқа ташкилотлар**	**74 116,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	72 050,5
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	2 065,7

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар	2026	
	млрд сўм	Харажатлардаги улуши, фоизда
Жами	**300 453,2**	**74,7**
1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш	41 793,7	10,4
2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш	2 376,9	0,6
3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш	47 573,5	11,8
4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш	94 816,2	23,6
5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш	588,2	0,1
6-мақсад. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш	12 802,9	3,2
7-мақсад. Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш	155,49	0,04
8-мақсад. Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш	2 431,5	0,6

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар	2026	
	млрд сўм	Харажатлардаги улуши, фоизда
9-мақсад. Барқарор инфратузилмани яратиш, умумқамровли ва барқарор саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш	27 600,9	6,9
10-мақсад. Мамлакат ичида тенгсизликни унинг барча кўринишларида қисқартириш	941,19	0,2
11-мақсад. Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш	30 545,8	7,6
12-мақсад. Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтишни таъминлаш	42,38	0,01
13-мақсад. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш	892,6	0,2
15-мақсад. Қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиш жараёнини тўхтатиш	1 355,5	0,3
16-мақсад. Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида тинчликсевар ва очиқ жамиятлар барпо этилишига кўмаклашиш, барча учун одил судлов имкониятидан фойдаланишни таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва кенг иштирокка асосланган муассасаларни ташкил этиш	8 102,1	2,0
17-мақсад. Барқарор ривожланиш мақсадларида Глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириш	28 434,5	7,1

ХАРАЖАТЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

Давлат бюджети харажатларининг 2026 йилги прогнози 402,4 трлн сўм бўлиб, харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижаларига кўра:

Тоифалар	2024 йил ижро	2025 йил параметр	2026 йил прогноз
Жами	**310,9**	**344,8**	**402,4**
“А” тоифа	27,5	36,3	42,0
улуши, фоизда	8,8	10,5	10,4
“Б” тоифа	9,7	9,1	10,0
улуши, фоизда	3,1	2,6	2,5
“С” тоифа	0,5	0,1	0,06
улуши, фоизда	0,1	0,02	0,01
“Д” тоифа	273,3	299,3	350,4
улуши, фоизда	87,9	86,8	87,1

“А” тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига ижобий таъсир кўрсатадиган ва салбий таъсирга эга эмас харажатлар миқдори 42 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 10,4 фоизни ташкил этади.

Ушбу тоифада сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш ва сув билан таъминлашга оид тадбирлар харажатлари (сув тадбирлари иқлим ўзгариши шароитида муҳим ўрин тутади), ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича харажатлар (ҳудудларда инфратузилмаларни ривожлантирилиши, ободонлаштириш иқлим ўзгаришига мослаштириш тадбирлари ҳисобланади), ўрмон хўжалиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши вазирлигини сақлаш харажатлари, жамоат транспорти бўйича харажатлар ва бошқа атроф-муҳит мақсадларига ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар инобатга олинган.

“В” тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган харажатлар миқдори 10 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 2,5 фоизни ташкил этади.

Ушбу тоифада иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари (ташкилот томонидан иссиқлик ишлаб чиқаришда кўмир, мазут ёқилғиларидан фойдаланилиши иқлим ўзгариши, экологияга салбий таъсир кўрсатса-да, арзонлаштирилган иссиқлик таъминоти кўмир, ўтин каби муқобил ёқилғи сарфини камайтиради), геология-қидирув ишлари харажатлари (фаолият атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатсада, кам углеродли фаолиятлар учун зарур бўлган минералларни аниқлайди), ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва ҳудудий бўлинмалари харажатлари (ветеринария хизмати ҳайвонларни иқлим ўзгариши таъсирига мослаштиришга ёрдам кўрсатса-да, чорвачилик фаолияти иқлим ўзгаришига салбий таъсир кўрсатади) кўзда тутилган.

“С” тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга эмас харажатлар миқдори 0,06 трлн сўмни ташкил этади.

Бу тоифага иссиқхона газлари эмиссияларини ошишига олиб келувчи, сув сарфини оширувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи тадбирлар, биологик хилма-хиллик ва экотизимга салбий таъсир кўрсатувчи тадбирлар киради.

“Д” тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларининг барчасига нейтрал таъсир кўрсатадиган харажатлар миқдори 350,4 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 87,1 фоизни ташкил этади.

Ушбу тоифада иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит мақсадларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган, ташкилотларни сақлаш харажатлари жумладан, бюджет ташкилотларининг иш ҳақи, жорий ва сақлаш харажатлари киритилган.

Хорижий экспертлар ёрдамида шакллантирилган қўлланмага кўра, бу турдаги харажатларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, "нейтрал ёки таъсирга эга эмас" мазмунида баҳоланган.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, уларни гендер экспертизасидан ўтказиш, "Гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш"ни режалаштириш ҳамда уни бюджет жараёнларига босқичма-босқич жорий етиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда, ОТБ, "БМТ-Аёллар" тузилмаси ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда Давлат бюджети харажатларини яшил бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш ҳамда гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Мазкур услубий қўлланмада Гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришни Ўзбекистонда жорий этишнинг концептуал асослари белгиланган бўлиб, Ўзбекистонда гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш 2 босқичда жорий этилиши режалаштирилган:

- амалдаги бюджет тизимига жорий этиш;
- дастурий бюджетлаштиришда жорий этиш.

Гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришни амалдаги бюджет тизимига жорий этиш бўйича Давлат бюджети маблағларининг эркаклар ва хотин-қизларга қандай таъсир кўрсатишини алоҳида таҳлил қилиш мақсадида жорий йилдан бошлаб УзАСБО-2 дастурий мажмуасида бюджет ташкилотларининг гендерга алоқадор кўрсаткичларини шакллантириш имкониятини яратиш ишлари бошланган.

Бу, ўз навбатида, Давлат бюджети маблағларининг эркаклар ва хотин-қизларга таъсири бўйича таҳлил ўтказиш имкониятини, бюджет соҳасидаги гендер тенгсизликларни аниқлашга имкон беради.

Шунингдек, ҳар чорак якунлари билан хотин-қизларни қўллаб қувватлаш мақсадларига йўналтирилган Давлат бюджети маблағлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига маълумот киритиб борилмоқда.

Гендерга йўналтирилган буджетлаштиришни босқичма-босқич жорий этиш бўйича қўйидаги тадбирлар режалаштирилган:

- гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришни амалиётга татбиқ этиш бўйича тегишли йўл харитасини ишлаб чиқиш;
- гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришни дастурий бюджетлаштиришга жорий этиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда синов тариқасида дастурий бюджетлаштириш жорий этиладиган пилот вазирликларда гендер тенглигига доир намунавий мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- вазирлик ва идоралар томонидан гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш бўйича тегишли таҳлилий маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига даврий тақдим этиб бориш механизмини ишлаб чиқиш;
- гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини бюджет жараёнига тўлиқ татбиқ

этиш учун бюджет циркулярига қўшимчаларни ишлаб чиқиш;

- хорижий экспертлар билан ҳамкорликда гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш услубиёти юзасидан вазирлик ва идоралар учун амалий семинарлар ўтказиш.

	2025 йил 9 ойлик		2025 йиллик кутилаётган прогноз (млрд сўм)
	Хотин-қизлар сони (минг киши)	Молиялаш-тирилган маблағлар (млрд сўм)	
Жами	**2 420,4**	**51 916,9**	**75 278,4**
Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун	1 311,3	47 095,1	67 957,7
Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақаси учун ажратилган маблағлар	116,0	1 086,4	1 000
Хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақаси тўловлари учун	9,4	21,8	40
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ишсиз ва иш қидираётган хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун	102,5	182,0	267,7
Ипотека кредитлари бўйича хотин-қизларга тўлаб берилган бошланғич бадал тўловлари учун	6,2	184,8	254,6
Бола туғилганда тўланадиган бир марталик тўлов (суюнчи пули) учун	179,5	149,4	240,8
Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловлари учун (оилалар)	695,5	3 197,4	5 517,6

2026 ЙИЛДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

а) Депутат ташаббуслари учун молиялаштириш тизимини жорий этиш. Бунда ҳар бир депутат сайлов округида аҳолининг кундалик ҳаёти учун муҳим, аммо ғолиб бўлмаган икки лойиҳани танлаб, уларни Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бу жараён “Очиқ бюджет” портали орқали жамоатчиликка очиқ ва шаффоф тарзда юритилади.

Бу янгилик орқали депутатлар аҳоли эҳтиёжларига энг яқин бўлган, лекин овоз беришда ғолиб чиқмаган долзарб лойиҳаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Натижада сайловчиларнинг ишончи ошади, депутатлар билан аҳоли ўртасидаги мулоқот кучаяди.

б) “Очиқ бюджет” порталининг функционалини кенгайтириш. Бунда депутат ташаббуси асосида молиялаштириладиган лойиҳалар учун алоҳида саҳифа ташкил этилади, барча лойиҳаларнинг жамоатчилик учун очиқ рўйхати юритилади.

Депутат ташаббуси билан молиялаштириладиган барча лойиҳалар ягона ахборот майдонида жойлаштирилиши орқали жараён тўлиқ очиқ ва шаффоф бўлади. Бу аҳолига қайси депутат қандай лойиҳа амалга оширганини кўриш имкониятини беради ва жамоатчилик назоратини кучайтиради.

“ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ” АМАЛИЁТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

2026 йилдан бошлаб:
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатларига **ҳар мавсум биттадан** лойиҳани қўшимча равишда ғолиб қилиш имконияти берилади

овоз бериш якунида ғолиб бўла олмаган лойиҳалар орасидан ўзига тегишли округдан битта лойиҳани танлаб молиялаштириш

ғолиб лойиҳалар “Очик бюджет” порталида алоҳида “депутатлар ташаббуси” сифатида акс этади

ҳар йили ҳар бир депутат учун **3,3 млрд сўм ажратилади молиялаштиради**

в) Аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш амалиётини жорий қилиш. Бунда аҳоли томонидан лойиҳа қийматининг камида 50 фоизи ихтиёрий тарзда молиялаштирилган тақдирда, қолган қисми Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Лойиҳаларнинг ярми аҳоли ҳиссаси билан молиялаштирилганда, одамлар ўз маблағлари билан иштирок этиб, натижага бўлган қизиқиш ва масъулиятни кучайтиради. Давлат эса аҳоли ташаббусини қўллаб-қувватлаш орқали ҳамжиҳатлик ва шериклик муҳитини яратади.

2026 йилдан бошлаб:

- ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шерикчилик асосида молиялаштириш жорий этиш
- аҳоли ихтиёрий равишда лойиҳа қийматининг 50 фоиз қисмини - молиялаштирса лойиҳа автоматик равишда ғолиб деб топилади ва қолган 50 фоизи республика бюджетидан ажратиш
- “энг яхши солиқ тўловчи маҳалла”ларга шерикчилик асосида лойиҳаларни молиялаштиришда аҳоли томонидан лойиҳанинг 25 фоизини молиялаштириш етарли бўлишини белгилаш

“энг яхши солиқ тўловчи маҳалла”ларни аниқлаш меъзонлари бир ой муддатда Солиқ қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилади

ушбу маҳаллалар учун ташаббусли бюджет доирасида кетма-кет икки маротаба ғолиб бўлганда “Танаффус” қўлланмайди

г) Парламент назоратини кучайтириш. Бунда ташаббусли бюджет жараёнларини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларнинг ижросини назорат қилиш учун махсус парламент комиссияси ташкил этилади, бу эса жараённинг очиқлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Махсус парламент комиссиясининг ташкил этилиши ташаббусли бюджет жараёнларида қонунчилик палатаси назоратини мустаҳкамлайди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилишида кечикишлар, маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши каби муаммоларнинг олдини олади.

Бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари

Давлат молиясининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўрта муддатли истиқболда консолидациялашган бюджет баланси ҳамда **давлат дастурларини молиялаштириш учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ажратиладиган депозит ва ссудалар "Умумий фискал баланс" сифатида** акс эттирилмоқда.

Бунда депозит ва ссудаларни бюджетда инобатга олган ҳолда бюджет қамровини кенгайтириш орқали умумий фискал балансни ЯИМга нисбатан 3 фоизлик тақчилликдан оширмаслик устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

2026 йилда умумий фискал баланс **59,9 трлн** сўм (ЯИМга нисбатан 3 фоиз) тақчиллик билан прогноз қилинмоқда.

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ, 2026 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, ТРЛН СЎМ

	Даромадлар	Харажатлар	Сальдо: профицит (+) / дефицит (-)
Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари	447,1	476,4	-29,3
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	24,3	24,3	
Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурлари		22,4	-22,4
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	44	44	
Консолидациялашган бюджет	515,4	575,2	-59,9

Бюджет тақчиллигини қоплаш ва давлат қарзининг асосий қисмини сўндириш учун қуйидаги манбалардан фойдаланилади.

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ, 2026 ЙИЛ УЧУН, ТРЛН СЎМ

Манбалар	Сумма
Ички қарз	30
Ташқи қарз	31,8
Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан	12
Бюджет ссудаларининг қайтиши, республика бюджетининг, ДМЖ бюджетларининг ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг қолдиқ маблағлари ҳамда бошқа манбалар	12,9

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағларидир.

Бюджет тизими бюджетлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари.

Бюджет таснифи – бу барча даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини, шунингдек, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини ва давлат қарзи турларини бир хил турдаги белгилар бўйича гуруҳларга бўлиниши.

Бюджет ташкилоти – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб турилувчи, давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган нотижорат ташкилотдир.

Бюджет жараёни – бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.

Бюджетлараро трансфертлар – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.

Бюджет маблағларини олувчи – Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар олувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс.

Бюджет жараёни иштирокчилари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар.

Давлат қарзи – Ўзбекистон Республика сининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари.

Давлат бюджети тақчиллиги – муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.

Давлат бюджети – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш – активларни хориж манбаларидан (чет давлатлардан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этилиши ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш – активларни ички манбалардан (резидентюридик ва жисмоний шахслардан) жалб этилиши ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Давлат ғазначилик облигациялари – бу аҳоли ва юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган ва пул маблағларини сақловчилар томонидан уларнинг бюджетга киритилишини тасдиқлайдиган ва ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш муддати давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берадиган давлат қимматли қоғозларидир.

Дастурий бюджетлаштириш – истиқболли давлат дастурларини ҳисобга олган ҳолда, стратегик мақсадлар асосида ишлаб чиқиладиган дастурларни амалга ошириш натижалари билан давлат харажатларини тақсимлаш жараёнининг боғлиқлигини таъминловчи бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва ижросини назорат қилиш методологияси.

Фискал сиёсат – давлатнинг солиқ солиш ва бюджет харажатлари соҳасидаги иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида олиб борадиган сиёсати

Фискал қоидалар – давлат молияси ҳолатини, яъни Давлат бюджети тақчиллиги, давлат қарзи, янги қарзлар, давлат харажатлари ва даромадларини тавсифловчи миқдорий мақсадлимўлжалларвафискалиндикаторлар орқали ифодаланадиган солиқбюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари.

Фискал таваккалчиликлар – бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет тизими бюджетлари маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни баҳолаш.

Фискал стратегия – ўрта муддатли даврга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

Ғазначилик органи – Давлат бюджетининг ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли орган.

Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс.

Инфляция – валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг нотекис ўсиши билан намоён бўлди. Инфляциянинг асосий сабаблари – талаб ва таклиф ўртасидаги бузилиш, таркибий номутаносибликдир.

Консолидациялашган бюджет – бюджет тизими бюджетларининг барча тушумларини ҳамда харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш мақсадида шакллантириладиган бюджет. Консолидациялашган бюджет таркибига Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари киради.

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи

йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Молия йили – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи даврдир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси – меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча ҳақлар, мукофот пуллари тўлаш учун харажатларни молиялаштирувчи аниқ мақсадли манбадир.

Натижага йўналтирилган бюджет (НЙБ) – молиялаштириш тузилмаси ва ҳажмларининг бюджет маблағлари олувчиларнинг фаолияти натижалари билан боғлиқ бўлган бюджетни режалаштириш тизими.

Ўрта муддатли бюджет мўлжаллари – асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ва бюджетнинг агрегацияланган параметрлари лойиҳаини, функционал тасниф бўйича харажатлар лимитларини, хавфхатарларни ва уларни бошқариш чоратадбирларини ўз ичига олувчи 3 йилга мўлжалланган молиявий ҳужжат (режа).

Қарзга хизмат кўрсатиш – қарз (қарзлар) бўйича қарз мажбуриятларини, шу жумладан, қарздорликнинг асосий қисми, фоизлар, воситачилик ҳақи ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятни узиш учун умумий тўловлардир.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми ҳисобланиб, молия йили мобайнида даромад манбалари ва миқдорларини ҳамда харажатлар йўналишлари ва миқдорларини назарда тутади.

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молия лаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва уларга тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнидаги маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Солиқ имтиёзлари – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, шунингдек, солиқ тўловчи учун солиқ юкини бошқача тарзда юмшатишдир.

Ҳудудий молия органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларидир.

Харажатлар сметаси – бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган, назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжатдир.

Харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи – давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этилувчи асосий функциялар бўйича харажатларни гуруҳларга ажратилишидир.

Харажатларнинг иқтисодий таснифи – ха ражатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳланишидир.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – Мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар томонидан жами ишлаб чиқариш омиллари билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидаги ифодаси.

БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

МАСЪУЛ ДЕПАРТАМЕНТ:

Давлат бюджети сиёсати департаменти

РАСМИЙ ВЕБ-САЙТ
https://gov.uz/oz/imv

"ОЧИҚ БЮДЖЕТ" АХБОРОТ ПОРТАЛИ
https://openbudget.uz

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ
info@imv.uz *(фақат жамоатчилик билан алоқа учун)*
imv@exat.uz *(фақат идоралараро ва ҳукумат корреспонденцияси учун)*

ТЕЛЕФОНЛАР
Оғзаки мурожаатларни қабул қилиш масалалари, раҳбарият қабулига ёзилиш:
(998 71) 203-50-50

Ахборот хизмати:
(998 71) 203 50 50

Назорат бўлими:
(998 71) 203-50-50

МАНЗИЛ
Тошкент ш. Истиқлол кўчаси 29, 100017, Ўзбекистон.
Мўлжал: Мустақиллик майдони.